

**МАХСУЛОТ ЕТКАЗИБ БЕРИШ
ШАРТНОМАСИ № 21**

“ 14 ” 11 2022 йил

Бўстон тумани

Бўстон туман “Бўстон туман халқ таълими бўлими” бундан буён бир томондан “Харидор” деб юритилади, Низом асосида ҳаракат қилувчи рахбари А.Ахмадалиев, иккинчи томондан “AT-GOOD SERVIS” МЧЖ Низоми асосида иш юритувчи рахбари З.Тоштемиров бундан буён “Сотувчи” деб юритилади ва қуйидагилар ҳақида ушбу шартнома тузилди.

1. ШАРТНОМАНИНГ ПРЕДМЕТИ

1.1. “Сотувчи” маҳсулот ёки товарни сотиш, “Харидор” эса қабул қилиб олинган маҳсулот ёки товар (кўрсатилган хизмат) учун тўловларни белгиланган тартибда амалга ошириш мажбуриятини оладилар.

1.2. “Сотувчи” “Харидор”га қуйидаги микдор ва ассортиментда товар етказиб беради.

№	Товар (маҳсулотлар)номи	Ўлчов бирлиги	Сони	Нархи	ҚҚС	Етказиб бериш ҚҚС билан
					15%	
1	Ўқитувчи учун компьютер техникаси: (Процессор:“Core i 7”,10700 МГц, 2 та слот, ДДР4, 1 ТБ, 24 ЛЕД монитор 1920x1080, сичқонча ва клавиатура, мониторда ўрнатилган овоз, микрофон, қулоқчинлар.)	Компл	2	9 555 000	2 866 500	19 110 000
2	Ўқувчи учун компьютер техникаси: (Прцессор, “Core i 5” 2400 МГц, 2 та слот, ДДР 4, 500 ГБ, 22 ЛЕД монитор 1920x1080, сичқонча ва клавиатура, мониторда ўрнатилган овоз, микрофон, қулоқчинлар.)	Компл	30	4 995 000	22 477 500	149 850 000
	Жами:	Комп	32			168 960 000

1.3. Товарларнинг шартномавий умумий баҳоси (солиқлар, йиғимлар ва ҚҚС ларни ҳисобга олган ҳолда) **168 960 000** (Бир юз олтимиш саккиз миллион тўққиз юз олтимиш минг) сўмни ташкил этади.

2. ҲИСОБ-КИТОБ ҚИЛИШ ТАРТИБИ.

2.1. “Ҳаридор” товар учун олдиндан, етказиб берилаётган товар, махсулот (кўрсатилган хизмат)нинг **30 фоизи 50 688 000** (Эллик миллион олти юз саксон саккиз минг) миқдорида пул маблағини пул ўтказиш йўли билан тўловни амалга оширади.

2.2. Қолган **70 фоизи 118 272 000** (Бир юз ўн саккиз миллион икки юз етмиш икки минг) сўмни “Ҳаридор” махсулотни тўлиқ қабул қилиб олгандан сўнг 10 банк иш куни ичида ҳисоб фактурага асосан тўлаб беради.

2.3. Тўлов шакли нақд пулсиз пул ўтказиш йўли билан амалга оширилади.

3. ТОВАР ЕТКАЗИБ БЕРИШ МУДДАТИ.

3.1. “Сотувчи” мазкур шартнома қонуний кучга киргандан сўнг товарни 10 кун муддат ичида “Ҳаридор”нинг тақсимотига асосан жойларга етказиб бериши шарт.

4. ТОВАР СИФАТИ ВА КАФОЛАТИ.

4.1. “Сотувчи” етказиб бераётган товар ёки махсулотларнинг сифатига кафолат бериши, белгиланган стандартларга (мувофиқлик сертификати), ишлаб чиқариш меъёрий ҳужжатларга ва “Ҳаридор”нинг талабларига мос келиши шарт.

5. ТОМОНЛАРНИНГ МАЖБУРИЯТЛАРИ.

5.1. “Сотувчи” мажбуриятлари:

- шартномада кўрсатилган талабларга риоя қилган ҳолда ўз вақтида “Ҳаридор”га товарни етказиб бериш;
- шартноманинг шартлари “Ҳаридор” томонидан бузилганда берилган махсулотни қайтариб олиб қўйиш ҳуқуқига эга;
- тегишли даражада сифатли махсулот юбормаганлиги тўғрисида билдиришнома олгандан сўнг, сифатли бўлмаган мол-мулкни 10 кун ичида алмаштириб бериш ёки ушбу шартноманинг иккинчи бандига асосан сифатли бўлмаган мол-мулк баҳосини қайтариб бериш.
- “Сотувчи” етказиб берган махсулотларини ҳисоб-варақда тўлиқ ва аниқ номини, махсулот навини, категориясини ва бошқа кўрсаткичларини кўрсатиши шарт. Шунингдек ҳисоб-варақларни белгиланган тартибда рақамлаб, тўлиқ реквизитларини расмийлаштириш лозим.

5.2. “Ҳаридор”нинг мажбуриятлари:

- “Ҳаридор” шартномада белгиланган талабларга риоя қилган ҳолда тўловларни амалга ошириш, товарни далолатнома тузиб ушбу шартномада ва қонун ҳужжатларида белгиланган бўлаш тартибига, сонига, сифатига қараб ўз вақтида махсулотни қабул қилиб олиши лозим.
- Тегишли даражада сифатли бўлмаган мол-мулк келиб тушганлиги аниқлангандан сўнг, ушбу тўғрисида тегишли далолатнома тузилиб бу ҳақда 3 кун ичида “Сотувчи”ни огоҳлантириш;
- тўлиқ расмийлаштирилмаган ҳамда махсулотнинг сифати, нави ва категориялари кўрсатилмаган ҳисоб-варақлар бўйича тўловлар амалга оширилишига йўл қўйилмайди.

6. ТОМОНЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ.

6.1. Ушбу шартнома бўйича мажбуриятларни ижро этмаслиги ёки лозим даражада бажарилмаганлиги учун томонлар Ўзбекистон Республикаси Қонунчилигида шунингдек ушбу шартномада назарда тутилган талаблар асосида жавобгардирлар.

6.2. “Сотувчи” томондан “Ҳаридор”га товар ва махсулотларни белгиланган муддатларда етказиб бермаганлиги учун кечиктирилган ҳар бир кун учун етказиб берилмаган махсулот қийматининг 0,5 % миқдорида “Ҳаридор”га пеня тўлайди, лекин пенянинг умумий миқдорни етказиб берилмаган махсулот қийматининг 50 % дан ошмаслиги керак.

6.3. Шартнома талабларида кўрсатилган, белгиланган сифатлардаги ҳамда бутлашдаги мол-мулк етказиб берилмаган тақдирда, айбдор тараф ушбу махсулот қийматининг 20 % миқдорида жарима тўлашга сабаб бўлади.

6.4. “Харидор” томонидан қабул қилиб олинган товар бойликларни суммасини ўз вақтида тўламаган холда айбдор томон ушбу махсулот қийматининг 20 % миқдорида жарима тўлашга сабаб бўлади.

6.5. “Харидор” томонидан олинган товар ёки махсулот учун тўловлар ўз вақтида амалга оширилмаган тақдирда кечиктирилган ҳар бир кун учун кечиктирилган сумманинг 0,4 % миқдорида “Сотувчи”га пеня тўлайди, бунда пенянинг умумий миқдори кечиктирилган сумманинг 50 % дан ошмаслиги керак.

7. ФОРС – МАЖОР ХОЛАТЛАРИ

7.1. Хеч бир тараф иккинчи тараф олдида ўзига боғлиқ бўлмаган сабабларга кўра ва енгиб бўлмас куч мавжуд бўлган тақдирда ушбу шартномада кўрсатилган мажбуриятлари бўйича жавобгар эмас. Фавқулотда тусдаги ҳолатларга: сув тошқини, ёнғин, ер қимирлаши ва бошқа табиий офатлар, шунингдек ҳарбий ҳаракатлар, давлат органларининг актлари ёки ҳаракатлари ва тарафлар назорат қила олмайдиган бошқа ҳар қандай ҳолатлар тегишлидир.

7.2. Тарафлар ушбу шартномада кўрсатилган мажбуриятларни бажармаслик сабаблари тўғрисида албатта иккинчи тарафни огохлантириши шарт.

7.3. Агар бартараф қилиб бўлмайдиган куч 1 ой давомида узлуксиз давом этса, тарафлар бир-бирини ёзма равишда огохлантириб, шартноманинг ижросини бекор қилиш ёки кўшимча ижро муддатларини белгилашлари мумкин.

8. ШАРТНОМАНИ ЎЗГАРТИРИШ ВА БЕКОР ҚИЛИШ ТАРТИБИ.

8.1. Ушбу шартномани бажариш, ўзгартириш ва уни бекор қилишда пайдо бўлган низолар энг аввало тарафларнинг келишуви билан ҳал қилинади. Ўзаро келишилмаган тақдирда мавжуд низолар хўжалик суди орқали Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунлари асосида ҳал қилинади.

8.2. Шартнома тарафларнинг ўзаро келишувига асосан ёки Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексига ҳамда амалдаги қонун ҳужжатлари нормаларига биноан келтирилган зарарни тўлаган холда муддатидан илгари бекор қилиш мумкин.

8.3. Ушбу шартнома 2022 йил «31» декабргача амал қилади. Шартнома тарафлар томонидан имзоланиб, тегишли фазначилик бўлиmidан белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказилганидан сўнг қонуний кучга киради.

“Харидор”

«Сотувчи»

“Бўстон туман халқ таълими бўлими”

Манзил: Андижон вилояти, Бўстон тумани,

Гузар МФЙ, Ипак йўли кўчаси

Тел: +998-74-333-12-89

Л/С: 23402000300100001010

ШХР: 100022860032097092100075045

ИНН: 201122919, СТИР: 200264426

МФО: 0014

Марказий банк Тошкент ш. ХККМ

Молия вазирлиги фазначилиги ягона фазна

ҳисоб варағи

Раҳбар:

А. Ахмадалиев

(имзо)



М.Ў

“AT-GOOD SERVIS” МЧЖ

Манзил: Андижон вилояти Андижон тумани

Ойжамол МФЙ

Х/р: 20208000105441299001

Банк номи: Капитал банк Бош офис

МФО: 01088

СТИР: 308876454

Раҳбар:

(имзо)

М.Ў

З.Тоштемиров




**YURIDIK AHAMIYATGA EGA HUJJATLARNING QONUN
HUJJATLARIGA MUVOFIQLIGI TO‘G‘RISIDA HUQUQIY
XULOSA**

UB7651220847

1. Loyihaning turi : Shartnoma
2. Loyihaning nomi: **Buston tuman XTB tasarrufidagi ta'lim muassasalariga kompyuter texnikalarini xarid qilish**
3. Loyiha ishlab chiquvchisi va kiritilgan sana haqidagi ma'lumot: Buston tumani xalq ta'limi tomonidan 11.11.2022 yilda kiritilgan.

Loyiha amaldagi qonun hujjatlariga muvofiq ishlab chiqilgan va uni qabul qilish maqsadga muvofiq.

**Bo'ston tumani
yuridik markazi
markaz rahbari:**



A.A.QODIROV

11.11.2022